

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ШАМСИЕВА ИНОБАТ ҚОСИМЖОНОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ
ДАРСЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА
ЛОЙИҲАЛАШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Шамсиева Инобат Қосимжонова

Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини замонавий
ёндашувлар асосида лойиҳалаш 3

Шамсиева Инобат Қосимжонова

Проектирование занятий по физическому воспитанию в
общеобразовательных школах на основе современных подходов 21

Shamsieva Inobat Kosimjonovna

Implementing Modern Approaches in Designing Physical Training (PT) Discipline
at Secondary Schools..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ШАМСИЕВА ИНОБАТ ҚОСИМЖОНОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ
ДАРСЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА
ЛОЙИҲАЛАШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/ped48 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибраимов Холбой Ибраимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маҳмудов Мэлс Хасанович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ахмедов Фурқат Кулдашевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-12-29; факс:(0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси).

М.М.Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д., (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётида мактаб ёшидан бошлаб ўқувчилар организмнинг шакли ва функцияларини такомиллаштириш, ҳаракатлантирувчи билимлар, маҳорат ва кўникмаларни шакллантириш ва жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган педагогик жараёнлар алоҳида ўрин эгаллайди. Умумий ўрта таълимни ривожлантиришнинг замонавий дастурларида ўқув жараёнларининг маҳсулдор ўқитишга трансформацияси жисмоний тарбия машғулотларида ҳам ўз аксини топиб, бунда жисмоний машқлар хусусиятлари, ўқувчи ва педагогларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари асосида босқичлаштириш, дарсларнинг жисмоний динамик вазиятлар имкониятларидан мақсадли фойдаланиш кўзда тутилади.

Жаҳонда жисмоний тарбия тизимининг энг муҳим глобал социомаданий йўналишлари назарияси, шахснинг жисмоний жиҳатдан ўсиши ва ривожланишининг педагогик қонуниятлари, ёшга оид психологик хусусиятлари, жисмоний тарбия дарсларига қўйиладиган умумдидактик ва хусусий талаблари, машғулотларни технологик ёндашувлар асосида такомиллаштириш йўналишларида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотлар жисмоний тарбия дарсларида психожисмоний реабилитацияга ва рекреацияга қаратилган билимлар, кўникмаларни ривожлантириш орқали ўқувчиларнинг ақлий фаолият қобилиятлари даражасини ошириш, пировард натижада таълим сифатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ва методик таъминотини кучайтириш, ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида олиб борилаётган ислохотлар жисмоний тарбия машғулотлари жозибадорлигини ошириб, таълим оловчиларнинг унга бўлган қизиқиши ва эътиборини янада кучайтиришга замин яратмоқда. Ўзбекистонда ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш чора-тадбирларида “ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу эса мактаб ўқувчилари жисмоний тарбиясининг замонавий мақсад ва вазифалари, назарий-методологик асослари, жисмоний тарбия дарсларининг ҳозирги босқичидаги хусусиятларини аниқлаштириш, дарсларни лойиҳалаштириш технологиялари асосида такомиллаштириш имкониятларини кенгайтириш, ўқув-методик таъминотини ривожлантириш заруратини юзага келтириб, мазкур заруратни ҳал этилиши эса таълим-тарбия бериш жараёнлари самарадорлигини ошириш имконини беради.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон Қарори.– Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 07/18/3907/1706-сон.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонлари, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. И.А.Каримов асарлари, мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг янги босқичи муаллифи Ш.М.Мирзиёевнинг асарларидаги маънавий-ахлоқий кадриятларни, миллий ўзликни англаш, мустақилликни янада мустаҳкамлаш борасидаги билдирилган изчил фикрлар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш борасида дастлаб, Р.И.Исмоилов, О.А.Рихсиева, Ж.Эшназаров, К.П.Тен, А.Б.Суник, Н.В.Зисман, Ю.С.Шоломицкий, Ю.А.Ковалёв ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб борган, масалаларнинг назарий, тиббий ва тарбиявий жиҳатлари Л.Р.Айрапетьянц, Ф.А.Керимов, Т.С.Усмонхўжаев, Э.А.Қўшбахтиев, Р.С.Саломовларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Т.С.Усмонхўжаев, С.Г.Арзуманов, Б.А.Қодиров, Х.А.Мелиев каби муаллифларнинг илмий ишланмалари профессионал спортдаги жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиш тенденцияларига қаратилган бўлса, И.А.Қўшбахтиев, А.А.Маматқулов, Т.Т.Юнусов, А.К.Ҳамроқулов, А.К.Акрамов, К.С.Ҳайдаров, А.Шакиров, Т.С.Усмонхўжаев, С.Г.Арзуманов, Б.А.Қодиров каби олимлар жисмоний тарбия-спорт фаолиятининг замонавий асослари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейлари ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги даражаси, “Алпомиш” ва “Барчиной” тестларини жорий этиш, жисмоний тарбия бўйича машғулотларда валеология, ўйинга оид методларни тадқиқига алоҳида эътибор қаратган. М.Я.Виленский, В.К.Бальсевич, Л.И.Лубишева, Ю.М.Николаев, Р.К.Бикмухаметов, Л.И.Лурье, О.Ю.Масалова, А.Н.Пианзинларнинг ишларида XXI асрнинг глобал таълим ва тарбиявий тизимида муҳим мазмунга эга бўлган жисмоний тарбияга **социомаданий, эстетик ва маънавий феномени** сифатида ёндашилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф1-ХТ-0-16955 – “Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини замонавий ёндашувлар асосида лойиҳалаш” (2014-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактаблари 5–9-синфлари жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштиришнинг мазмуни ва ташкилий педагогик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактаб ўқувчилари жисмоний тарбиясининг замонавий мақсад ва вазифалари назарий-методологик асосларини аниқлаштириш;

жисмоний тарбия дарсларининг ҳозирги замон босқичидаги мақсади, вазифалари ва хусусиятларини такомиллаштириш;

“жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштиришнинг педагогик технологияси” тушунчасини таърифлаш. Жисмоний тарбия соҳасидаги педагогик лойиҳалаштиришга нисбатан мавжуд назария ва ёндашувларни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;

жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштириш технологиясини ишлаб чиқишнинг етакчи **тенденциялари** ва асосий педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, лойиҳалаштириш технологиясининг такомиллаштирилган тузилмасини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштиришнинг самарадорлигини ошириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент, Самарқанд, Навоий вилоятларидаги 8 та мактабнинг **540** нафар респондент ўқувчилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштиришнинг замонавий асослари мазмуни, технологиялари, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов таҳлили, умумлаштириш, ижтимоий методлар (анкета, эксперт баҳолаш, тест, савол-жавоб, суҳбат интервью), педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил натижаларини умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“педагогик лойиҳалаштириш”, “дарсинг педагогик лойиҳалаштирилиши”, “ўқувчининг жисмоний тарбияси” атамаларнинг моҳияти ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, мустақил ўқиб билим орттириш, ўз-ўзини тарбиялаш, жисмоний тарбия фаолиятига нисбатан ижобий муносабатларни шакллантириш ёндашувларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

жисмоний тарбия ва спортни фундаментал ривожлантиришнинг амалдаги тенденциялари ижтимоий тадбирларнинг (хамкорлик фаолияти,

оммавий мусобақа, **мастер класс**) ўқувчилар мотивациясига педагогик таъсир этувчи хусусиятларини белгилаш асосида очиб берилган;

жисмоний тарбия дарсларининг ташкилий-педагогик жараёнлари лойиҳалаш сифатининг мезонлари таркибига ўз-ўзини текшириш функцияларини (мақсад ва вазифаларни танлаш, топшириқни бажариш, вақтни ўлчаш, имкониятлар самарасини аниқлаш, дидактик таъминлаш, тузилмавий қиёслаш) киритиш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштириб ташкил қилишнинг **концептуал** дастури лойиҳалаш босқичларини (жараённи белгилаш, таҳлил, воситаларни ажратиш) баҳолашда динамик кўрсаткичларни (дастлабки даражаси, ҳаракатланувчи қобилиятлар хусусиятлари, ёш динамикаси) **интеграциялаш** асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мантиқий фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар мавзуга оид назарий, фалсафий, педагогик-психологик манбаларни ўрганиш асосида ташхислаш ва ривожлантиришнинг ташкилий-**интегрatív** моделлари ишлаб чиқилган;

лойиҳалаштириш дарсини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш самарадорлигини баҳолашнинг таҳлили такомиллаштирилган;

муаммонинг хорижий ва Ўзбекистон педагогика назарияси ва амалиётидаги мавжуд ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида ўқувчиларининг дарс мезонлари аниқлаштирилган ва амалиётга тадбиқ қилиш механизмлари такомиллаштирилган;

жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларнинг кўникма ва малака қобилиятларини ривожлантирувчи дарс сифатлари жамланган ўқув-услугий қўлланма ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишлари ва ўз қобилиятлари, мойилликларига мувофиқ малакаларни эгаллаш бўйича илмий-методик таъминот яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, қўлланган усуллар, реал педагогик амалиёт ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг таҳлили, таҳлилнинг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли вазирлик ва ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг **репрезентативлиги** ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг асоси сифатида, жисмоний тарбия дарсларини ўзининг хусусиятларини ва уни ўқитишнинг методикасини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш босқичларининг технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда илгари сурилган ғоялардан умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфларида жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштиришда, ўқитувчилар учун ишлаб чиқилган дастурдан жисмоний тарбия бўйича амалий ишларни ташкил этишда ҳамда таълим муассасалари, шу жумладан, умумий таълим мактаблари, олий ўқув юртлари жисмоний тарбия ўқитувчилари малакасини ошириш тизимида педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфларида жисмоний тарбия дарсларини замонавий ёндашувлари асосида лойиҳалаш юзасидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

“педагогик лойиҳалаштириш”, “дарснинг педагогик лойиҳалаштирилиши”, “ўқувчининг жисмоний тарбияси” тушунчалари моҳияти, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини билиш, мустақил ўқиб билим орттириш, ўз-ўзини тарбиялаш, жисмоний тарбия фаолиятига нисбатан ижобий муносабатларни шакллантириш ёндашувлари, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тенденциялари, ижтимоий тадбирларнинг ўқувчилар мотивациясига педагогик таъсир этувчи хусусиятларига оид таклифлари Ф1-ХТ-0-16955. “Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини замонавий ёндашувлар асосида лойиҳалаш” (2014-2016) мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 сентярдаги 89-04-1755-сон маълумотномаси). Лойиҳа доирасида жисмоний маданиятни ошириш, яъни умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштириб ташкил қилишнинг концептуал дастури лойиҳалаш босқичларини баҳолашга доир таклиф ва тавсиялар жорий этилган.

Жисмоний тарбия дарсларининг ташкилий-педагогик жараёнлари лойиҳалаш сифатининг мезонлари таркиби, ўз-ўзини текшириш функциялари (мақсад ва вазифаларни танлаш, топшириқ ва вазифаларни бажариш, вақтни ўлчами, имкониятлар самараси, дидактик таъминот, тузилмавий боғлиқлик)га оид таклифлари 5112000–жисмоний маданият бакалавриат йўналиши малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 сентярдаги 89-04-1755-сон маълумотномаси). Мазкур малака талаблари асосида олий таълим муассасаларида жисмоний маданият бакалавриат йўналиши ўқув мазмунини такомиллаштирилиб, ўқув-услубий мажмуалар ва электрон ресурслар сифати оширилган;

умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштириб ташкил қилишнинг концептуал дастури, лойиҳалаш

босқичларини баҳолашда (жараёни белгилаш, таҳлил, воситаларни ажратиш) динамик кўрсаткичларни (дастлабки даражаси, ҳаракатланувчи қобилиятлар хусусиятлари, ёш динамикаси) интеграциялашга оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ва ўрта махсус касб-хунар таълими ва бошқа таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълим вазирлигининг 2018 йил 30 майдаги 01-02/2-2-161-сон маълумотномаси). Мазкур таълим стандартлари асосида бакалаврият таълим йўналишлари учун ўқув дастурлари ва методик таъминотни ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та нашр иши, жумладан битта монография, битта электрон кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 та хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 169 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, шунингдек, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда жисмоний тарбиянинг назарий-педагогик асослари**» деб номланган биринчи бобида ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантириш ва ривожлантириш муаммосига доир мамлакатимиз ва жаҳон олимларининг илмий тадқиқот ишлари, шу соҳада олиб борилган илғор тажрибалар назарий-методологик асос сифатида илмий таҳлил қилинган. Мазкур бобнинг навбатдаги параграфларида бугунги кунда мамлакатнинг ҳар бир фуқаросининг жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишини **таъминлашнинг жисмоний ва умумий фаолиятда зарур бўлган таянч даражасига эришилишини таъминлашнинг негизи, унинг салбий хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.** Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари **мотивациясининг** бирлиги сифатидаги, шахснинг жисмоний маданиятининг шаклланиши, улар учун зарур бўлган жисмоний тарбия ёки спорт фаолиятининг билимлар, маҳоратлар, кўникмалар ва услублари,

организмнинг функциявий имкониятларининг ривожланиши жисмоний тарбиянинг мақсади, ҳисобланади. Шахсда жисмоний маданиятнинг шакллантирилиши ўз ичига интеллектуал-психик ва маънавий такомиллаштиришни қамраб олади.

Педагогик лойиҳалаштириш – бу ўқувчилар ва педагогларнинг келгуси фаолияти асосий деталларининг дастлабки ишланишидир. Педагогик **лойиҳалаштиришнинг** замонавий социомаданий вазият билан айнан бир хил бўлган педагогик воқеликнинг янги намуналарини яратиш, мавжуд бўлган таълим майдонини ўзгартирадиган ва ўз режаларини таълим амалиётида натижали ва самарали тарзда амалга оширишга қодир бўлган энг мақбул услубларни ишлаб чиқиш бўйича субъектнинг қадриятли-ориентирланган, аниқ бир мақсадга қаратилган ва мотивацияланган фаолиятини тушуниш мумкин. Лойиҳалаштириш – бу нима бўлиши мумкинлигини “**идеал лойиҳалаш ғоясини яратиш**”, аниқроғи – нима мумкин, ёки нима бўлиши кераклигини фикрий конструкцияланиши ва амалий реализациясидир. Идеал конструкцияланиш (режалаштириш, лойиҳалаш ғояси) маълум манбада – илм олиш лойиҳасида мужассамланади, унинг амалий бажарилиши эса ушбу лойиҳани реаллаштирувчи ва рўёбга чиқарувчи ҳар хил воситаларни шакллантириш бўйича аниқ бир мақсадга қаратилган фаолият сифатида яққол кўринади. Бу икки жиҳат ўзаро асослангандир, чунки, ғоя амалга ошмаса у хомхаёлга айланади.

Педагогик лойиҳалаштириш тўғрисидаги тасаввурларнинг етарлича давомли бўлган тарихининг ривожланишига қарамасдан, муаллифлар таърифларидан келиб чиқиладиган бўлса, ҳозирги кунгача унинг ягона изоҳи мавжуд эмас. Лойиҳалаш ва педагогик лойиҳалаштиришнинг қуйидагича таърифлари мавжудлигини кўриш мумкин:

Педагогик лойиҳалаштириш – педагогик жараёндаги турли муаммоларнинг ечимини топишга йўналтирилган фаолиятнинг структуравий ва процессуал тавсифлари сифатида баҳолашдир.

Педагогик лойиҳалаштириш объекти турли даража ва хусусиятга эга бўлган илм олишга йўналтирилган ёки умуман тизимнинг ўзи билан ўзаро алоқада тадқиқ қилинаётган структуравий таркибий қисмлари ҳисобланади.

Г.Е.Муравьева докторлик диссертациясида ишларнинг кенг доирасини таҳлил қилиш асосида, ушбу тушунчанинг **умумилмий** талқинини келтиради: лойиҳалаштириш – бу табиий ва социал қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда инсоний эҳтиёжларни қаноатлантиришга йўналтирилган қарорларни танлаш ва қабул қилиш асосида воқеликнинг келажакдаги туб ўзгартирилишини англаб олиш йўлидаги фаолиятдир¹.

¹ Муравьева Г.Е. Проектирование образовательного процесса в школе: Дис...д-ра пед. наук / Г.Е. Муравьева. – Шуя, 135. – 400 с.

В.С.Безрукова томонидан “ўқувчилар ва педагогларнинг келгуси фаолияти асосий деталларининг дастлабки ишлаб чиқилиши”¹ мазмунида таклиф қилинган педагогик лойиҳалаштиришнинг таърифи бизда янада аниқроқ тасаввур пайдо қилади. Бунга лойиҳалаштирилаётган фаолиятнинг мақсадини – шахснинг муайян сифатлари шакллантирилишини кўшиб кўйиш мумкин. Бу лойиҳалаштиришга аниқлик киритади ва самарадорлик манбаи сифатида баҳоланиши мумкин.

Тизимли хусусиятларга эга бўлган, негизида муаммони ечишнинг янги услуги ўрнашганлиги учун педагогик ихтирога асосланган ва фойдаланишнинг мумкин бўлган вариантларини кўзда тутадиган педагогик воқеликнинг модели натижа сифатида яққол кўринади.

Юқорида келтирилган барча таърифларнинг умумлаштирилиши ва таҳлили асосида, унга мувофиқ педагогик лойиҳалаштиришга: таълим жараёнининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши самарадорлигини таъминлайдиган педагогик воқеликни ўзгартириш ва инновацион педагогик моделни яратиш бўйича аниқ бир мақсадга қаратилган ижодий фаолиятдир. Лойиҳанинг охириги натижаси асосий шарт-шароити ва идеал тарзда намоён бўлиши сифатида педагог лойиҳалаш фаолиятини мақсади маълумки, муаммо, бу социал буюртмада акс эттирилган ва фан томонидан уларни ўз вақтида ечимини топиш имкони бўлмаган жамият эҳтиёжлари орасидаги қарама-қаршиликларнинг ифодасидир. Шунинг учун лойиҳалаштиришнинг асосий маъноси социал буюртмани бажаришда кўзга ташланмоқда. Бу ҳаддан ташқари конкретлаштиришни, яъни, мақсадларнинг ўлчаниш уларга эришиш мумкинлиги, уларнинг ўзгарувчанлиги ва муайянлигини таъминлайдиган таърифни талаб этади.

Диссертациянинг **“Жисмоний тарбия дарсларида лойиҳалаштириш фаолияти педагогик диагностика тизими”** деб номланган иккинчи бобида мактаб дарсини яратиш технологиясининг мазмунли хусусияти педагогик лойиҳалаштириш, бугунги кунда уни ўрганишга нисбатан ёндашувларнинг ранг-баранглиги, янги тушунчавий аппаратни киритишнинг турли асосларининг ажратилиши, лойиҳалаштириш жараёнининг ўзининг турли жиҳатларига урғу берилиши билан ажралиб туради, қайсики, бу турли назарий моделларда, турли тадқиқий вазиятларда ўз аксини топади.

Соғлом турмуш тарзи шахс ривожланишининг турли томонларига даҳлдор бўлиш омилини ҳисобга олиб ҳамда илмий-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш асосида ўқувчилар жисмоний маданияти структурасини қуйидаги мезонлар мажмуи орқали тақдим қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз, булар: когнитив, мотивациявий-эҳтиёжий, эмоционал-иродавий, амалий-фаолиятли мезонлардир. Мактаб ўқувчилари жисмоний маданияти мезонларининг ҳаққонийлигига қаратилган нуқтаи назарларни таҳлил қилган муаллифлар О.Ю.Масалова, М.А.Кондратюк ва И.Ю.Абросимовалар қарашларининг бир хиллигини ва уларнинг бизнинг

¹ Безрукова, В.С. Педагогика. Проективная педагогика. Учебное пособие. - Екатеринбург: изд-во «Деловая книга», 1996. – 344 с.

позиция билан мос келишини аниқлашга имкон беради. Бу қарашларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

1-жадвал

Мактаб ўқувчилари жисмоний маданияти даражасининг мезонлари

Масалова О.Ю.	Кондратюк М.А.	Абросимова И.Ю.
мотивацион-маънавий	мотивацион-эҳтиёжий	эҳтиёжий-мотивацион
когнитив-операционал	Когнитив	Когнитив
эмоционал-иродавий	эмоционал-иродавий	баҳолаш-қадриятли
амалий-фаолиятли	Фаолиятли	фаолиятли-хулқий

Мотивацион-эҳтиёжий мезон соғлом турмуш тарзини кечириш истагининг, ўз соғлигига нисбатан қизиқишнинг борлигини тахмин қилади.

У ҳиссий идрок қилиш ва эмоционал кечинма ва шу асосда тасаввурларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлади.

Эмоционал-иродавий мезон соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жуда муҳим роль ўйнайди. Ушбу мезонга нисбатан даража шу билан белгиланади-ки, қай даражада ижобий эмоциялар машғулотлар ва тадбирлар вақтида, соғлом турмуш тарзи меъёрлари ва қоидаларини бажаришда устун келадилар, мактаб ўқувчиси бундай ҳаракатларни бажаришда қандай иродавий кучларини қўллайди, қай даражада бундай феъл-атвор унинг учун қадриятли бўлиб қолади.

Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ташкил қилувчи таянч қисмлари бўйича баҳолаш мезонлари:

Билимларни назорат қилиш методлари:

1. Сўраш методи – оғзаки ва ёзма шаклда машқларни бажариш орасидаги тўхтаб олишларда, топшириқларни бажаришдан олдин ёки кейин қўлланилади. Ушбу методдан жисмоний юкламалар кўп бўлгандан кейин фойдаланиш тавсия қилинмайди.

2. Дастурлаштирилган метод шундан иборат-ки, бунда ўқувчилар саволлар ёзилган карточкаларни ва уларга елпиғич шаклида берилган жавобларни оладилар. Ўқувчи тўғри жавобни танлаб олиши лозим.

Мазкур метод вақт бўйича тежамли ва сўрашни ёппасига амалга ошириш имкониятини беради.

3. Намойиш қилиш методи ўқувчилар билимларини муайян фаолиятда текширишга имкон туғдиради.

Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ташкил қилувчи таянч қисмлари бўйича баҳолаш мезонлари

5 баҳо	4 баҳо	3 баҳо	2 баҳо
Унда ўқувчи материал моҳиятини чуқур тушунишини, билишини намоёниш қиладиган; уни мантикий тарзда баён қилиб, ундан ўз фаолиятида фойдалана оладиган жавоб учун.	Худди шу жавоб учун, агарда унда кичкина ноаниқликлар ва арзимаган хатолар мавжуд бўлса.	Унда мантикий изчиллик йўқ бўлиб, материални ўзлаштиришда камчиликлар учрайдиган, зарурий далил-исботлар ва билимлардан амалиётда фойдаланиш маҳорати йўқ бўлган жавоб учун.	Дастур материални тушунмаслиги ва билмаслиги учун.

Жисмоний тарбиянинг мактаб ўқувчилари ҳаётидаги ўрни ва ролининг умумий тенденцияси шундан далолат беради-ки, илмий-техника тараққиёти натижасида болаларнинг ҳаракатлантирувчи фаолияти кескин камайган. Агарда олдин шифокор болалар соғлиғи ўқув жараёнининг қониқарсиз ташкил қилиниши (спорт залларининг етарлича ёритилмаганлиги, яхши шамоллатилмаганлиги, ўқув машғулотларининг ортиқчалиги) сабабли ёмонлашини қайд қилган бўлса, замонавий мактабда соғлиққа таъсир қилувчи бошқа хавф-хатар омиллари (компьютерлаштириш, ўқишни интенсификациялаш, ҳаракатлантирувчи фаолликнинг пасайиши)ни ҳам кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда мактаб ўқувчиларининг ҳаддан ташқари телевидение ва компьютер ўйинларига берилиб кетиши кузатилмоқда. Бунинг ўзига хос салбий оқибатлари мавжуд. Чунки, инсоннинг ўсиши, ривожланиши ва соғлиғи тўғридан-тўғри унинг ҳаракатдаги фаоллигига боғлиқдир. Ҳозирги замон мактабида ўқувчилар серҳаракатлилиги мавжуд. Бу катта ўқув юкнамалари билан бирга мактаб ўқувчилари соғлиғига салбий таъсир этади. Бу таянч биологик функцияларнинг бузилишига, мактаб ўқувчилари орасида касалликларнинг кўпайишига, муҳим психофизиологик жараёнлар (фикрлаш, ақлий иш қобилияти, диққат, хотира)нинг бузилишига олиб келади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра мактаб ўқувчилари орасида кўриш қобилияти, таянч-ҳаракат аппарати (сколиоз, яссиоёқлик), нафас олиш аъзолари, овқат ҳазм қилиш аъзолари бўйича жиддий муаммолар мавжуд. Мактаб ўқувчилари орасида психосоматик касалликлар тез-тез содир бўлиши ҳам ошиб бормоқда. Ҳарбий чақириққа жалб қилинган ёшларнинг 40%дан ортиғи армия хизмати томонидан қўйиладиган талабларга, шу жумладан, жисмоний тайёргарликнинг минимал нормативларини бажариш қисмига жавоб беролмайди. Болаларнинг ўсиши, ривожланиши ва соғлигининг ҳолатига социал муаммолар ва экологик омиллар жиддий таъсир кўрсатмоқда. Юқорида баён қилинганлардан яққол кўриниб турибди-ки, жисмоний тарбия кўпгина муаммоларни ечишнинг самарали воситаси сифатида олдинга чиқмоқда.

Диссертациянинг “**Жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш дастури**” деб номланган учинчи бобда таъкидловчи тажрибанинг маълумотлари келтирган шунингдек, жисмоний тарбия бўйича машғулотларни лойиҳалаштириш ва ўтказиш босқичлари, коррекция ишлари ва тажриба-ишлари натижалари таҳлил қилинган.

2016–2017 ўқув йилларида Тошкент, Самарқанд, Навоий шаҳарларининг умумий таълим мактабларида ўтказилган таъкидловчи тажриба шахсининг жисмоний маданиятини ривожлантириш даражасининг когнитив, мотивациявий, эмоционал-иродавий ва фаолиятли-амалий мезонларига, дарсда ўқувчилар фаолиятини баҳолашнинг беш балли тизимига асосланди. 5–9 синфлар ўқувчилари жисмоний маданияти бошланғич даражасини аниқлаш инструментлари тестлаш-диагностикалаш (назарий, **морфофункциявий**, ҳаракатлантирувчи, анкеталаштириш, сўров, кузатув, таҳлил, математик статистика)ни қамраб олган методикалар мажмуидан иборат эди. Ўқувчиларнинг жисмоний маданияти даражасини қайд қилиш бўйича тажриба босқичини таъкидловчи натижалар таҳлилининг кўрсатишича, 5–9-синфлар ўқувчилари:

- соғлиққа ва соғлом турмуш тарзи қоидаларига таъсир қиладиган омилларни аниқ тасаввур этмайдилар;

- муайян машқларни бажариш қоидалари ва хусусиятларини яхши билмайдилар;

- жисмоний тарбия ва спорт аҳамиятини ва улар соғлигига таъсирини етарлича тушунмайдилар;

- турли мақсадларга йўналтирилган жисмоний ривожланишга оид (кучни, эгилувчанликни ривожлантириш, бўшашиш, диққатни сафарбар қилиш ва ҳ.к.) жисмоний машқларни даражалаштирмайдилар;

- ушбу ёшдаги ҳамма қабул қилган кўрсаткичлардан паст бўлган жисмоний ривожланиш даражасига эгадирлар;

- жисмоний машқларни бажариш аниқлик, тезлик, чарчашлик даражаси кўрсаткичлари бўйича дастур талабларига мос келмайди;

- дарсларда ва дарсдан ташқари вақтда жисмоний тарбия машғулотларига нисбатан суст мотивацияга ва қизиқишга эгадирлар;



- соғломлаштирувчи ва мустаҳкамловчи жисмоний машқларни мустақил бажариш услубларига эга эмаслар.

Санаб ўтилган маълумотлар асосида фан бўйича назарий ва айниқса, амалий тайёргарлик савияси ўқувчилар жисмоний тарбиясининг етарли бўлмаган даражасини тасдиқлаши тўғрисида хулоса чиқарилди.

5–9-синфлар ўқувчилари учун жисмоний маданият бўйича ўқув қўлланмалари, методик йўл-йўриқларида социал буюртма, миллий анъаналар ва жисмоний тарбия ва спорт ривожланишининг жаҳон тенденцияларига мувофиқ мактаб ўқувчилари жисмоний тарбиясининг стратегик замонавий йўналишлари берилмоқда.

Жисмоний тарбия бўйича машғулотларни лойихалаштириш босқичлари

Моделлаш-тириш	Лойихалаш	Конструкциялаш
Мақсад танлаш ва белгилаш.	Машғулотда ўқув фаолияти мазмунини белгилаш	Таълим жараёни учун мавжуд технологик услубларини ажратиш.
	Таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни белгилаш	Кўргазмалар, аудио, видеоматериалларни ва б.ни танлаш.
	Ўқув материалларини таълим вазиятини лойихалаштириш учун вазифаларни белгилаш.	Жисмоний машқларни ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган фаолият кўринишида тақдим қилиш
	Ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти структурасига мувофиқ бошқарувчи фаолият тизимини аниқлаш.	Вақтни тўғри тақсимлаш
	Ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини таҳлил қилиш.	Ўзлаштирилаётган фаолият моделларини, ўқувчиларнинг жисмоний ориентациялари билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш.
		Ўқувчилар мотивацион ва шахсиятни ривожлантирувчи вазиятларини аниқлаш.



1-расм. Ҳар икки гуруҳда ўқувчилар томонидан қайд этилган назарий ва амалий билимларга эгаллик даражаси куйидаги диаграмма ўз аксини топган

Эксперимент бошлангунича ЭГ ва НГ ҳолатлари тенг эканлигини текширамиз. Бунинг учун Пирсоннинг χ^2 -критерийсидан фойдаланамиз. χ^2 статистикани ҳисоблаймиз:

$\chi_{90;90}^2 = 90^2 \sum_{i=1}^3 \frac{\left(\frac{n_i}{90} - \frac{m_i}{90}\right)^2}{n_i + m_i} = 8100 \left[\frac{\left(\frac{21}{90} - \frac{17}{90}\right)^2}{21+17} + \frac{\left(\frac{57}{90} - \frac{57}{90}\right)^2}{57+57} + \frac{\left(\frac{12}{90} - \frac{16}{90}\right)^2}{12+16} \right] = 0,992.$
$\chi_{90;90}^2 = 90^2 \sum_{i=1}^3 \frac{\left(\frac{n_i}{90} - \frac{m_i}{90}\right)^2}{n_i + m_i} = 8100 \left[\frac{\left(\frac{21}{90} - \frac{17}{90}\right)^2}{21+17} + \frac{\left(\frac{57}{90} - \frac{57}{90}\right)^2}{57+57} + \frac{\left(\frac{12}{90} - \frac{16}{90}\right)^2}{12+16} \right] = 0,992.$
$\chi_{90;90}^2 = 90^2 \sum_{i=1}^3 \frac{\left(\frac{n_i}{90} - \frac{m_i}{90}\right)^2}{n_i + m_i} = 8100 \left[\frac{\left(\frac{14}{90} - \frac{17}{90}\right)^2}{14+17} + \frac{\left(\frac{40}{90} - \frac{44}{90}\right)^2}{40+44} + \frac{\left(\frac{36}{90} - \frac{29}{90}\right)^2}{36+29} \right] = 1,23.$
$\chi_{90;90}^2 = 90^2 \sum_{i=1}^3 \frac{\left(\frac{n_i}{90} - \frac{m_i}{90}\right)^2}{n_i + m_i} = 8100 \left[\frac{\left(\frac{16}{90} - \frac{14}{90}\right)^2}{16+14} + \frac{\left(\frac{50}{90} - \frac{46}{90}\right)^2}{50+46} + \frac{\left(\frac{24}{90} - \frac{30}{90}\right)^2}{24+30} \right] = 0,97.$

Озодлик даражаси $\nu = 3 - 1 = 2$. У ҳолда $\alpha = 0,05$ учун жадвалдан критик нуқтани топамиз:

$$t_{kr} = \chi_{0,05}^2 = 5,99.$$

Аmmo юқоридаги барча статистикалар 5,99 дан кичик демак H_0 қабул қилинади.

Бу эса бизда ўқувчилар билимлари фарқланади деган тахминни инкор этишга асос бўлади.

Хулоса. Эксперимент бошида ҳар икки гуруҳдаги ўқувчилар ҳолати бир хил бўлган.

2. Биз ушбу биринчи бўлимда эксперимент бошлангунича ўқувчиларнинг ҳолати бир хил (бир жинсли) эканлиги (уларнинг ҳолати танланган мактабга ва ҳудудга боғлиқ эмаслигини) ҳар бир мезон бўйича текширамиз.

Биз биринчи ҳар икки гуруҳда ўқувчилари билимлари деярли фарқланмайди, яъни уларнинг билим даражалари сонли кўрсаткичлари мос тақсимотлари F ва G лар тенглиги ҳақидаги гипотезани икки томонлама альтернатива $H_1: F \neq G$ га нисбатан текширамиз. Тест-синов натижалари қуйидагичадир:

Эксперимент бошлангунича ЭГ ва НГ ҳолатлари тенг эканлигини текширамиз. Бунинг учун Пирсоннинг χ^2 -квадрат критерийсидан фойдаланамиз.

χ^2 статистикани ҳисоблаймиз:

$\chi_{90;90}^2 = 90^2 \sum_{i=1}^3 \frac{\left(\frac{n_i}{90} - \frac{m_i}{90}\right)^2}{n_i + m_i} = 8100 \left[\frac{\left(\frac{7}{90} - \frac{11}{90}\right)^2}{7+11} + \frac{\left(\frac{70}{90} - \frac{68}{90}\right)^2}{70+68} + \frac{\left(\frac{13}{90} - \frac{11}{90}\right)^2}{13+11} \right] = 1,08.$
$\chi_{90;90}^2 = 90^2 \sum_{i=1}^3 \frac{\left(\frac{n_i}{90} - \frac{m_i}{90}\right)^2}{n_i + m_i} = 8100 \left[\frac{\left(\frac{12}{90} - \frac{10}{90}\right)^2}{12+10} + \frac{\left(\frac{63}{90} - \frac{68}{90}\right)^2}{63+68} + \frac{\left(\frac{15}{90} - \frac{12}{90}\right)^2}{15+12} \right] = 0,71.$
$\chi_{90;90}^2 = 90^2 \sum_{i=1}^3 \frac{\left(\frac{n_i}{90} - \frac{m_i}{90}\right)^2}{n_i + m_i} = 8100 \left[\frac{\left(\frac{16}{90} - \frac{13}{90}\right)^2}{16+13} + \frac{\left(\frac{50}{90} - \frac{64}{90}\right)^2}{50+64} + \frac{\left(\frac{24}{90} - \frac{13}{90}\right)^2}{24+13} \right] = 5,3.$
$\chi_{90;90}^2 = 90^2 \sum_{i=1}^3 \frac{\left(\frac{n_i}{90} - \frac{m_i}{90}\right)^2}{n_i + m_i} = 8100 \left[\frac{\left(\frac{15}{90} - \frac{12}{90}\right)^2}{15+12} + \frac{\left(\frac{63}{90} - \frac{60}{90}\right)^2}{63+60} + \frac{\left(\frac{12}{90} - \frac{18}{90}\right)^2}{12+18} \right] = 1,61.$

Озодлик даражаси $\nu = 3 - 1 = 2$. У ҳолда $\alpha = 0,05$ учун жадвалдан критик нуқтани топамиз: $t_{kr} = \chi_{0,05}^2 = 5,99$.

Аммо юқоридаги барча статистикалар 5,99 дан кичик демак H_0 қабул қилинади. Бу эса бизда ўқувчилар билимлари фарқланди деган тахминни инкор этишга асос бўлади.

Хулоса. Эксперимент бошида ҳар икки гуруҳдаги ўқувчилар ҳолати бир хил бўлган. Биз ушбу биринчи бўлимда эксперимент бошлангунича ўқувчиларнинг ҳолати бир хил (бир жинсли) эканлиги (уларнинг ҳолати танланган мактабга ва ҳудудга боғлиқ эмаслигини) ҳар бир мезон бўйича текшираимиз.

Биз биринчи ҳар икки гуруҳда ўқувчилари билимлари деярли фарқланмайди, яъни уларнинг билим даражалари сонли кўрсаткичлари мос тақсимотлари F ва G лар тенглиги ҳақидаги гипотезани икки томонлама альтернатива $H_1 : F \neq G$ га нисбатан текшираимиз. Тест-синов натижалари қуйидагичадир:

Ўтказилган синов-тажриба ижобий натижалари тадқиқотимиз назарий қоидалари, асослари ва педагогик тадбирлари комплексини тизимга бирлаштириш ва уни модел сифатида тақдим қилишга асос бўлади.

Шундай қилиб, экспериментал тадқиқотнинг сифатий ва миқдорий яқунлари гипотезанинг, умумлаштирилган назарий қоидаларнинг тўғрилигини ва таклиф қилинган умумий таълим мактабининг 5–9-синфларида жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштириш технологиясининг амалий жиҳатдан самарадорлигини тасдиқлаш баробарида тадқиқотимиз вазифаларининг бажарилиши ва унинг мақсадига эришилганлиги тўғрисида далолат беради.

ХУЛОСА

Олиб борилган илмий-педагогик тадқиқот натижаларининг таҳлили ва яқунларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик:

1.Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг ҳозирги замон босқичидаги ижтимоий, педагогик омилларнинг комплекс тавсифи берилди;

2.Мақтабда жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштиришнинг хусусиятлари аниқланди;

3.“Педагогик лойиҳалаштириш дарсларини”, “дарснинг педагогик лойиҳалаштирилиши”, “ўқувчининг жисмоний тарбияси” атамаларнинг моҳияти ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, мустақил ўқиб билим орттириш, ўз-ўзини тарбиялашга қаратилган соғлиққа ва сернатижа жисмоний тарбия фаолиятига нисбатан ижобий муносабатлар мажмуи сифатидаги маънолари аниқлаштирилди;

4.Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштириш технологиясини шакллантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

5.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг асоси сифатида, дарснинг ўзининг хусусиятларини ва уни ўқитишнинг методикасини ҳисобга олган ҳолда тузилган, лойиҳалаштириш босқичларининг кенг мазмундор тавсифи бўлган, жисмоний тарбия дарсларини лойиҳалаштириш технологияси ишлаб чиқилди.

6.Мақтаб ўқувчиларининг таълим фаолияти учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки у табиатда амалий, талабанинг шахсиятини ривожлантириш, такомиллаштириш ва ўзини-ўзи бошқаларга етказиш, ўзига ҳурматни оширади.Ўқитувчилар учун педагогик лойиҳа уларнинг касбий ўсиши, ўқитувчиликнинг субъективлигини ривожлантириш, педагогик лойиҳанинг таркибий қисмини бир қатор профессионал вазибаларни бажаришга кўмаклашилди.

7.Адабиётни таҳлил қилиш асосида ўқувчиларнинг жисмоний маданияти тизимини бир қатор мезонлар орқали тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: когнитив, мотивацион-муҳтож, эмоционал-фаолият, амалиёт-фаолият, шунингдек, жисмоний маданиятнинг сифат ва миқдорини баҳолаш мезонлари муваффақиятнинг сифат мезонлари дастурий материалларни ўзлаштириш даражасини белгилайди ва жисмоний тайёргарликнинг ўзгариши, асосий жисмоний қобилиятларни ривожлантириш кўрсаткичлари ривожлантирилган.

8.Бизнинг мақсадимиз асосида ўқитувчиларнинг ўзларининг лойиҳалаштириш кўникмаларини ўлчашни зарур деб билдик, чунки лойиҳалаштирилган дарсларнинг самарадорлиги бунга боғлиқ. Лойиҳа фаолиятининг зарур компонентлари таркибини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқлиги, технологик тайёргарлиги, ижодкорлиги, педагогик асбоб-ускуналарга эга бўлиши, шаклланиш даражаси, лойиҳа қобилиятининг намоён бўлишининг тўлиқлиги ва частотаси, ҳосилдорлик каби

параметрларни ўз ичига олганлигини аниқлаш имконини берди, деган хулосага келинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ШАМСИЕВА ИНОБАТ КОСИМЖОНОВНА

**ПРОЕКТИРОВАНИЕ ЗАНЯТИЙ ПО ФИЗИЧЕСКОМУ
ВОСПИТАНИЮ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ НА
ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ПОДХОДОВ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд– 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.1.PhD/Ped40.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (<http://samdu.uz>) и информационно-образовательном портале "ZiyoNET" (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Ибраимов Холбой Ибраимович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Махмудов Мэлс Хасанович
доктор педагогических наук, профессор

Ахмедов Фуркат Кулдашевич
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация:

**Узбекский государственный университет
физической культуры и спорта**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован по № _____). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15, Тел.: (0366) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2019 года).

М.М.Махмудова

Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Ш.Р.Ураков

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.п.н.(PhD)

Н.Ш.Шодиев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике особое место занимают педагогические процессы, направленные на формирование и совершенствование функций организма учащихся начиная с младших классов, формирование у них движущих знаний, умений и навыков и развитие физических качеств. В современных программах развития общего среднего образования трансформация продуктивного обучения в учебных процессах находит своё отражение и на занятиях физической культуры. При этом обращается внимание на целевое использование физической динамики ситуаций на уроках, по этапные совместные действия учащихся и педагогов, особенности физических занятий.

В мире ведутся научные искания по теории самых важных глобальных социально-культурных направлений системы физического воспитания, педагогических закономерностей физического роста и развития личности, соответствующим возрастным психологическим особенностям, общедидактические и личностные требования к урокам физической культуры, совершенствование занятий на основе технологического подхода. Научные исследования служат для обеспечения знаний, направленных на психофизическую реабилитацию и рекреацию на уроках физической культуры, посредством развития навыков повышению степени умственной активности учеников и в итоге повышению качества образования.

В нашей стране происходит коренное совершенствование системы образования, усиливается материально-техническая база образовательных учреждений и их методическое обеспечение, проводятся реформы по созданию всех необходимых условий для занятий учащимися физической культурой, ещё более усиливается интерес учащихся к физической культуре и повышается интерес к занятию спортом. В Узбекистане определены и принимаются такие меры по духовно-нравственному воспитанию и **физически** гармонично развитому поколению как “систематическое занятие молодёжи физической культурой и спортом, создание условий для содержательного проведения ими свободного времени, формирование в их **среде** здорового образа жизни. Это, в свою очередь, в учебно- воспитательных процессах даёт возможность определить на современном этапе особенности уроков физкультуры, определить современные цели и задачи, теоретические и методологические основы физического воспитания школьников, на основе проектных технологий расширения возможностей совершенствования уроков физической культуры и даёт возможность повысить эффективность необходимости развития учебно-методического обеспечения совершенствования уроков.

Эта диссертация в определённой степени служит внедрению в практику поставленных в Распоряжений Президента Республики Узбекистан ПФ 4947 от 7 февраля 2017 года “О “Стратегии действий” по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ”, ПФ-5712 от 29 апреля 2019 года “Об утверждении концепции развития до 2030 года. Постановлении Президента Республики

Узбекистан ПК-3907 от 14 августа 2018 года “О мерах по поднятию на новый уровень качества учебно-воспитательной системы при духовно-нравственном **физически** гармоничном **воспитании** молодого поколения” и других соответствующих деятельности нормативно-правовых документах поставленных задач.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование проведено в рамках приоритетного направления развития в республике науки и технологий. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Научно-методологической основой данного исследования послужили **приведённые** в произведениях И.А.Каримова и автора нового этапа строительства в нашей стране демократического и правового общества Ш.М.Мирзиёева последовательных идей по осознанию национальной сущности, духовно-нравственных ценностей, дальнейшего укрепления независимости.

Первые исследования по развитию сферы физической культуры и спорта были проведены Н.В.Зисманом, Ю.С.Шоломицким, Ю.А.Ковалёвым, Р.И.Исмоиловым, О.А.Рихсиевой, К.П.Теном, А.Б.Суником, Ж.Эшназаровым и другими учёными. В исследованиях Л.Р.Айрапетьянц, Т.С.Усмонхужаева, Э.А.Кушбахтиева, Ф.А.Керимова, Р.С.Саломова нашли своё отражение теория задачи, медицинской и воспитательной сторон. Если в научных работах таких авторов как Т.С.Усмонхўжаев, С.Г.Арзуманов, Б.А.Кодиров, Х.А.Мелиев обращено внимание на тенденции развития физического воспитания и спорта в профессиональном спорте, то в работах таких учёных как И.А.Кўшбахтиев, А.А.Маматқулов, Т.Т.Юнусов, А.К.Ҳамроқулов, А.К.Акрамов, К.С.Ҳайдаров, А.Шакиров, Т.С.Усмонхўжаев, С.Г.Арзуманов, Б.А.Қодиров, Х.А.Мелиев особое внимание уделено современным основам физического воспитания и спорта, степени физической подготовки учащихся академических лицеев и колледжей, внедрению тестов “Алпомиш” и “Барчиной”, валеологии на занятиях физического воспитания, исследованию методов относящихся к играм.

В работах М.Я.Виленского, В.К.Бальсевича, Л.И.Лубишевой, Ю.М.Николаева, Р.К.Бикмухаметова, Л.И.Лурье, О.Ю.Масаловой, А. Н. Пиянзина подходить к исследованию эстетического и духовного феномена, социокультуры физического воспитания, которые имеют важное значение в глобальной и воспитательной системе XXI века.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской деятельности вуза, в котором завершена диссертация. Диссертационное исследование было выполнено в рамках фундаментального исследовательского проекта Навоийского государственного педагогического института на Ф1-ХТ-0-16955- «Разработка

уроков физкультуры в общеобразовательных школах на основе современных подходов» (2014-2016).

Цель исследования. Состоит в **содержании** планирования уроков физического воспитания в 5–9 классах общеобразовательных средних школ и организационных педагогических основ.

Задачи исследования:

Выяснение теорико-методологических основ современных целей и задач физического воспитания школьников;

Совершенствование целей, задач и особенностей современного этапа уроков физического воспитания;

Сформулировать понятие “педагогическая технология планирования уроков физического воспитания”. Анализ и совершенствование имеющихся теорий и подходов относительно педагогического проектирования в сфере физического воспитания;

Определение приоритетных тенденций и основных педагогических условий разработки технологии проектирования уроков физической культуры.

Объектом исследования обозначен процесс организации планирования уроков физического воспитания в общеобразовательных средних школах, опытно-экспериментальная работа проведена среди 540 респондентов учеников 8 школ г.Ташкент, Самаркандской и Навоийской областей.

Предметом исследования. Формы, методы, средства технологий содержания основ планирования уроков физического воспитания.

Методы исследования. В процессе исследования использовались и применялись способы педагогического наблюдения, сравнительный анализ, опытно-экспериментальный анализ, обобщение, социальные методы (анкетирование, экспертное оценивание, тестирование, вопросно-ответная беседа, интервью), математико-статистический анализ и обобщение результатов анализа.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

